



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2020 йил 14 январь, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 7 (14.058)

Баҳоси эркин нарҳда

## ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ ТАРМОҒИНИ 2020 ЙИЛДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 январь куни электр энергетикаси соҳасини янада ривожлантириш бўйича жорий йилга мўлжалланган асосий вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Электр энергетикаси иқтисодий тараққиёт барқарорлиги ва аҳоли фаровонлигини таъминлайдиган муҳим омилдир. Бу тармоқни модернизация қилиш, энергия қувватларини кўпайтириш ва истеъмолчиларга узлуksиз етказиб бериш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 1 февралдаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ташкил этилди. Уша йилнинг 27 мартдаги Президент қарорига асосан, "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти ислоҳ қилиниб, унинг негизда "Иссиқлик электр станциялари", "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" ва "Худудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятлари ташкил топди.

Ўтган йили мамлакатимизда 6 та йирик лойиҳа доирасида жами 1076 мегаватт электр энергия қувватлари ишга туширилди.

Жорий йилда электр энергияси истеъмоли 71 миллиард киловатт-соатни ташкил этиб, ўтган йилгига нисбатан ўртача 9 фоизга, яъни, иқтисодиёт тармоқлари талаби 10, аҳолиники эса 8,5 фоизга ошиши кутилмоқда.

Йиғилишда ушбу эҳтиёж қайси манбалар ҳисобидан қопланиши, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган "Йўл харитаси" ижроси муҳокама қилинди.

Президентимиз 2020 йилда электр энергияси ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва етказиб бериш

бўйича белгиланган чора-тадбирларни тўлиқ, сифатли амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Жорий йилда иссиқлик электр станцияларида 1177 мегаватт, гидро электр станцияларида 120 мегаватт қўшимча қувватлар ишга туширилиши режалаштирилган. Шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига 3 минг 500 мегаваттга бугунга қадар қурилган, 400 мегаваттга қадар яна 4 миллион 500 минг донга замонавий ҳисоблагич ўрнатиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда тармоқ корхоналарида рентабельликни таъминлаш, энергия истеъмоли учун қарздорликни бартараф этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими бу борада яхши самара бераётгани қайд этилиб, "Худудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятига йил якунига қадар яна 4 миллион 500 минг донга замонавий ҳисоблагич ўрнатиш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари электр энергияси ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва етказиб беришда йўқотишларни камайтириш масаласига алоҳида аҳамият қаратиб, бу бўйича мутасаддиларга муҳим топшириқлар берди.

Соҳадаги ислохотларнинг кейинги босқичида электр энергиясининг рақобатли улгуржи бозорини шакллантириш, генерация жараёнига давлат-

хусусий шериклик тамойили асосида инвесторларнинг жалб қилиш ва бунда давлат улушини босқичма-босқич камайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда соҳани ривожлантиришнинг узок истиқболлари ҳам кўриб чиқилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2030 йилга бориб юртимизда электр энергияси истеъмоли ҳозиргига нисбатан 2 баробар кўп бўлиши кутилмоқда. Шу боис Энергетика вазирлигига кейинги ўн йилда умумий қуввати 7 минг 900 мегаватт бўлган янги иссиқлик электр станцияларини ишга тушириш бўйича топшириқлар берилди.

Шунингдек, инвесторларни жалб қилган ҳолда, 8 минг мегаватт қувватга эга қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш, гидро электр станциялари қувватини 1 минг 935 мегаваттга ошириш, кичик гидро электр станциялар барпо этишни хусусий секторга бериш юзасидан вазифалар белгиланди.

Мутасадди ташкилотларга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда электр энергияси соҳасида замонавий технологиялар билан беvosита ишлайдиган ўрта ва кичик бўлган мутахассисларни тайёрлаш бўйича беш йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан соҳа корхоналари раҳбарлари ҳисобот берди, чора-тадбирлар белгилаб олинди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 28 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБий ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг муқофод қудрати ва ҳарбий-техник салоҳиятини юксалтириш, давлат хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, профессионал миллий армияни шакллантириш, ҳарбий хизмат нуфузини оширишда катта хизматлари, жамоат тартибини сақлаш, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги самарали меҳнати, хизмат бурчини бажаришда мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, юқори малака ва маҳоратга эга кадрларни тайёрлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар ордени ва медаллар билан мукофотлансин:

**I даражали "Шон-шараф" ордени билан Турдиев Алишер Талибович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлигининг ўринбосари

**II даражали "Шон-шараф" ордени билан Бузруков Лутфулла Юсупович** – Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ҳарбий округ қўшинлари қўмондони

**Исмаилов Тимур Камалатдинович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бош бошқарма бошлиги

**Мажидов Улғубек Абдувоҳидович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Рашидов Алишер Абдураҳимович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқарма бошлиги

**Тешабоев Мурод Ойхўжаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**"Дўстлик" ордени билан**

**Бя Юрий Ярославович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондони

**Захидов Абдурауф Абдуқадирович** – "Discover Invest" масъулияти чекланган жамияти директори

**Земсков Александр Юрьевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Мирвоҳитов Мирсаид Мирфатух ўғли** – "Natural Houses" масъулияти чекланган жамияти директори

**Мирғалиев Асхат Осатович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўқув маркази катта йўриқчи-ўқитувчиси

**Мирханов Умид Сапарович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Тургунов Илхом Тургунович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий аппарати бошқарма бошлиги

**"Мардлик" ордени билан**

**Косимов Раваҳан Норқобилович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Маматмусаев Мирзокул Мавлонқудратович** – Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлигининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари

**Отақўзиев Шўҳратжон Нурмухаммадович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командири

**Раҳмонов Раҳматулло Бозорович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Собиров Ботиржон Зокирович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батареяси командири

**Тўраонов Қаҳрамонжон Эркинovich** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бош бошқармаси бўлим бошлиги

**Ҳакимов Рамазон Салимович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

(Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Ж.А.Артиқходжаевни Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарорига мувофиқ **Артиқходжаев Жаҳонгир Абидович** Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 13 январь

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

**Кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг биринчи сессияси бўлиб ўтди.**

Йиғилишда дастлаб 2019 йил 22 декабрда ўтказилган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайлови якуни бўйича Тошкент шаҳар сайлов комиссияси раисининг ахбороти тингланди. Парламент сайловлари демократик принциплар – очкилик, ошкоралик, ҳолислик асосида ўтказилгани қайд этилди.

Сайлов жараёнида Тошкент шаҳар туманларидаги 9 сайлов участкасига тажриба синов тарихида ўрнатилган 18 видеокамералар орқали онлайн трансляция қилинди. Сайловлар жараёнида 10 нуфузли халқаро ташкилотдан, дунёнинг 50 га яқин давлатидан келган халқаро кузатувчилар иштирок этди.

Тошкент шаҳар сайлов комиссиясига келиб тушган 25 мурожаат қисқа муддатларда кўриб чиқилди ва ҳал этилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 22, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан 12, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 11, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан 11, Ўзбекистон Экологик партиясидан 4 депутат сайланди.

Шу тариха сайланган 60 депутатнинг 17 нафарини аёллар ташкил этди. Депутатларнинг 2 нафари 30 ёшгача, 30 нафари 50 ёшгача, 28 нафари 50 ёшдан катта.

Сессияда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Регламенти ва доимий комиссиялар тўғрисидаги Низомни тасдиқланди. Сиёсий партиялардан сайланган депутатларнинг партия гуруҳлари рўйхатга олингани ҳақида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарори қабул қилинди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг доимий комиссияларини тузиш ва шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Тасдиқланган қарорга мувофиқ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 7 та доимий комиссияси тузилди.

Булар Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тadbirkorликни ривожлантириш масалалари бўйича, Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича, Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича, Санаят, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича, Коммунал хўжалик ва экология масалалари бўйича, Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ишлаш масалалари бўйича, Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича комиссиялардир.

Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига 48-тинчлик сайлов округидан сайланган депутат Жаҳонгир Артиқходжаев номзодини халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида тасдиқлаш тўғрисида тақдимнома ўқиб эшитирилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Ж.Ортиқходжаев номзоди бир овоздан маъқулланди.

Сессияда, шунингдек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари Қўшма мажлиси Маслаҳат Кенгаши аъзоллигига номзодли тавсия этиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди ва тақлиф этилган номзодлар тасдиқланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини А.Арипов иштирок этди.

## 14 январь – Ватан Ҳимоячилари куни

### ВАТАНИ СЕВИШНИ ҲАРБий ХИЗМАТЧИЛАРДАН ЎРГАНАЙЛИК

**Мамлакатимизнинг барча худудларида Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ҳамда 14 январь – Ватан Ҳимоячилари куни муносабати билан "Ватанпарварлик ойлиги"га доир тadbirkorлар юқори савияда ташкил этилмоқда.**



Ана шундай тadbirkorлардан бири Миробод тумани ҳокимлиги ташаббуси билан Тошкент темир йўл муҳандислари институтида бўлиб ўтди.

Миробод туманида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбийлашган бўлинмалар ҳарбий марш садолари остида институт олд майдонига кириб келди. Маросим Ўзбекистон Республикасининг мадҳияси билан бошланди.

Тadbirkorда туманда жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбийлашган бўлинмалар, Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, талаба-ёшлар, "Темурбек мактаби" курсантлари ва ҳарбий хизматчилар иштирок этди.

Миробод тумани ҳокими ўринбосари Алишер Мусаев ва бошқалар йиғилишларга миллий армиянинг жамоғовар тайёрлиги, замонавий ҳарбий техника ҳамда технологияларнинг кенг жорий этилаётганини, Ўзбекистон мудофаа тизимидаги ислохотлар, уларнинг асосий вазифалари, ўрни ва роли ҳақида ташуутиришлар берди.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишида қўмаклашиш, воёга етмаганлар ўртасида спортнинг техник ва амалий турларини тарғиб қилиш ва оммавийлигини

ошириш, турли даражадаги спорт мусобақаларини ўтказишга эътибор қаратилди.

– Институтида Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Миробод тумани кенгаши тасарруфидagi автотранспорт техникаларининг намойиши ўтказилди, – деди Тошкент темир йўл муҳандислари институти 2-босқич талабаси Мафтуна Каримова. – Бундан ташқари, спортнинг техник ҳамда амалий турларидан авто ва мотоцикл, "Картинг", "Ракетамодель", "Авиамодель" турлари бўйича кўргазмалар чиқишлар ташкил этилди. Ушбу байрам тadbirkorда катнашиб, миллий армиянинг кучли эканлигига яна бир бор гувоҳ бўлди. Англисимки, қайси соҳада ишлашимиздан қатъий назар, Ватанини севишни, унга садоқат билан хизмат қилишни ҳарбий хизматчилардан ўрганишимиз керак.

Тумандаги 1-болалар-ўсмирлар спорт мактаби ўқувчиларининг ўзбек жаң санъати, Миллий гвардия махсус хизматчиларининг ҳарбий жаң санъати бўйича чиқишлари барчага манзур бўлди.

Йиғилишларга ҳарбий дала-ошхонасида тайёрланган таомлар тортилди.

Хуриш ҚОДИРОВ



• Андижон шаҳридаги ҳарбий гарнизонда "Ёш ҳарбийлар" мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ватан Ҳимоячилари байрами ва ватанпарварлик ойлиги доирасида ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизматга қизиқтиришни ошириш, юртга садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш мақсадида Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси ҳамда ҳарбий гарнизон ҳамкорлигида умумтаълим мактаб-

лари жамоалари ўртасида ўтказилган мусобақанинг вилоят босқичида куйи босқичларда ғолиб бўлган тўрт жамоа ўзаро баҳслашди. Ғолиб ва совриндорлар мусобақа ташкилотларини томонидан диплом, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

• Наманганда ёзги Олимпиада ва Паралимпия ўйинлари дастурига киритилган ўқ отиш спорт буйича вилоят биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Наманган вилоят кенгаши томонидан ватанпарварлик ойлиги доирасида ташкил этилган мусобақада 160 дан зиёд спортчи, жумладан, 80 га яқин спортчи қиз ҳаво қуролдан ўқ отишда мерганлик маҳоратини синовдан ўтказди.

• Самарқандда вилоят ИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ҳамда унинг жойлардаги ходимлари иштирокчида ўқув семинари ўтказилди.



• Хитойдаги Вэньчан фазовий парвозлар маркази "Чанжэн-5" (Буюк сафар-5) ракета-ташувчини фазога учирди. Ушбу ракетани келгусида Хитойнинг Ой-Марс дастурида қўллаш режалаштирилган. Ракета маҳаллий вақт билан соат 20:46да бортида "Шизянь-20" сунъий йўлдоши билан учирилган. У геостационар ўтish орбитасида ишлайди. Маҳаллий мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу фазовий қурилма яқин 5-15 йилга телекоммуникация соҳаси ривожини эҳтиёжларини тўлиқ қондира олади. "Чанжэн-5" Хитойнинг янги авлоддаги энг кучли ракета-ташувчиси ҳисобланади. Унинг баландлиги 57 метрни, диаметри 5 метрни, старт оғирлиги 870 тоннани ташкил қилади. Ракета ер атрофидаги орбитага 25 тонна, геостационар ўтish орбитасига 14 тонна юк олиб чиқа олади. Ракета учун ёнилғи сифатида суёқ кислород ва суёқ водород қўлланади.



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 28 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

### “Жасорат” медали билан

**Абдуллаев Азизхон Тохиржон ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Абдуллоев Салим Шокирович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Абидов Мурод Мирзахидович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент шаҳри бўйича бошқармаси отряд командирининг ўринбосари

**Алимов Шерзод Боходирович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Бурибаев Нурали Зулхайдорвич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командирининг ўринбосари

**Дуланов Мирзохид Махамдалиевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм взводи командирининг ўринбосари

**Жабборов Жаҳонгир Сотиболдиевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Жалилов Жамшид Норкузиевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командирининг ўринбосари

**Жўраев Ахрор Ахатуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Исматуллаев Бархаёт Сойибович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командирининг ўринбосари

**Игиталиев Ойбек Аскаралиевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси командирининг ўринбосари

**Игиталиев Шокиржон Зухриддин ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод командирининг ўринбосари

**Мунтурганов Байрамбек Женисбаевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод командирининг ўринбосари

**Норалиев Журабек Эралиевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Ражабалиев Санжар Эшмуродович** – Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ҳарбий округ бошқарув аппарати бўлим бошлиғи

**Рахмонов Хусен Искандарович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги отряд командирининг биринчи ўринбосари

**Сидиков Голибжон Рахимбердиевич** – Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси отряд командирининг ўринбосари

**Умурзаков Журабек Набижонович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Хожиматов Мадёрбек Турсунбоевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Хўжаев Дадахон Илхомович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бошқармаси сафдор ходими

**Юсупов Мухтар Беканович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқарма бошлиғи

### “Содиқ хизматлари учун” медали билан

**Абдурахманов Яхё Хусанович** – Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ҳарбий округ бошқарув аппарати бошқармаси бошлиғи

**Абдухамидов Мадамжон Мухаммаджонович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби штаб бошлиғининг ўринбосари

**Авезбердиев Дилшод Реджабаевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Адизов Зоҳид Рашидович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Азимов Ихволжон Омонбаевич** – Фарғона вилояти Божхона бошқармаси бошлиғи

**Асфандияров Рамил Рустамович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси хизмат бошлиғи

**Ахмадалиев Рашит Муслимович** – Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Академияси кафедра бошлиғи

**Ахмедов Зафаржон Азамович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Балхиев Нуриддин Исамитдинович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Жиззах вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармасининг Фориш тумани фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи

**Бобоназаров Бекзод Бахтиёрвич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальони командирининг ўринбосари

**Бозоров Уктам Тўрмухаммадович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқармаси катта офицери

**Бозоров Эрали Хабибуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Гуломов Фахриддин Шакирович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги “Хавфсиз дарё” давлат унитар корхонаси бошлиғи

**Ибрагимов Искандар Икромович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси батальони командирининг ўринбосари

**Исаев Баходир Усманович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Кадилов Камил Шамильевич** – Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Бош штаби бошқармаси бошлиғи

**Кадилов Шаухат Жанабаевич** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси оператив бошқарув маркази бошлиғи

**Касимов Гайрат Ташкенбекович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси “Динамо” жисмоний тарбия-спорт жамаиати раисининг ўринбосари

**Кодиров Хотам Шакирович** – Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг иккинчи минтақавий худуд бўйича вакили

**Кудратов Уктам Гофурович** – Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юрти кафедраси бошлиғининг ўринбосари

**Мамарасулов Равшан Рустамович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа саноати давлат кўмитаси “Чирчиқ авиация таъмирлаш заводи” давлат корхонаси директорининг ўринбосари – бош муҳандиси

**Мўйдинов Алижон Ахмаджонович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари тезкор гуруҳи взводи командирининг ёрдамчиси

**Нормаматов Муродбек Ибайдуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Палванов Шакир Базарбаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм лабораторияси катта лаборантининг ўринбосари

**Расулов Хусниддин Холмуродович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командирининг ўринбосари

**Рахманов Хондамир Парманкулович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий аппарати бошқарма бошлиғи

**Рахматов Дусёр Джалолович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм взводи командирининг ўринбосари

**Рейсов Максетбай Жолдасбаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командирининг ўринбосари

**Тўраев Зафаржон Турсунпўлатович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Турсунов Кодиржон Мухаммаджонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Аxbорот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти кафедраси бошлиғи

**Тухташев Икболжон Иномович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари алоҳида батальони командирининг ўринбосари

**Хабиев Илдар Рашидович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Хамроев Бахшилло Гайбуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмат бошлиғи

**Хамроев Камолжон Каримович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Бухоро вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси Фиждувон тумани фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи

**Хусенов Хамза Исмоилович** – Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси Пешку тумани бўлими профилактика катта инспекторининг ўринбосари

**Юлдашев Исмойилжон Жураевич** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институти кафедраси профессори

### “Шуҳрат” медали билан

**Абдуқажаров Қобулжон Абдуганович ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод назоратчиси

**Аллаберганов Махсуд Жуманязович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Хоразм вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси ёнғин-қутқарув қисми бошлиғи

**Алметов Шерзод Болтабаевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси Аxbорот-коммуникация технологиялари бошқармаси бош инспекторининг ўринбосари

**Астанкулов Отабек Тохирович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мобил бошқарув пункти катта техниги

**Ачилов Мансур Сувонбоевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод командирининг ўринбосари

**Бекмурзаев Акмал Абдуалиевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлим бошлиғи

**Бобомурадов Зоҳиджон Закирович** – Ўзбекистон вилояти бўйича бошқармаси отряд командирининг ўринбосари

**Вахидов Абдуқадир Исакович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Жонқобилов Акмал Файзуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси

**Исаков Элмуроджон Изатилло ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод назоратчиси

**Исмаилов Икромжон Парпиевич** – Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Бош штаби бўлими бошлиғи

**Курбанов Баҳром Фазлитдинович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Матякубова Агата Рустамовна** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряди командирининг ўринбосари

**Машарипов Рўзбой Рахимович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Хоразм академик лицейи директорининг ўринбосари

**Мирзаев Шаҳбоз Шавкатжонович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм взводи командирининг ўринбосари

**Мухторов Илхом Мухторович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси бошлиғи

**Раҳматов Баҳодир Эсиргапович** – Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси ташкилий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Раҳматов Мирзохид Холтуревич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи қоровул бошлиғи

**Рахмонов Нурзодбек Эргашбоевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секцияси командирининг ўринбосари

**Салаев Хамза Аббазович** – Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи

**Санаев Шухрат Музаффарович** – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи

**Сатаров Азизбек Тоирович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги махсус муҳандис-қурилиш бошқармаси батальони командирининг ўринбосари

**Сулайманов Зафарбек Сахибжонович** – Андихон вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони бўлими командирининг ўринбосари

**Танимова Гоззал Мауленбергеновна** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳи офицери

**Ташев Жасурбек Хакбердиевич** – Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Тожибоев Дирбек Еркинович** – Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Бош штаби маркази бошлиғи

**Тўев Исроил Исмоилович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командирининг ўринбосари

**Убайдуллажон Ойдиной Хамидуллаевна** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм маркази мутахассиси

**Усманов Александр Раҳимович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлими мутахассиси

**Хайдаров Абдуғаффор Маждидович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Наманган вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси оператив бошқарув маркази бошлиғи

**Халимов Эркин Халилович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти кафедраси доценти

**Шарипов Алишер Абдунабиевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлими бошлиғи

**Элмуродов Бекзод Тоштемирович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Навоий вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси кутқарувчи-йўриқчиси

**Эшонкулов Одил Алламуратович** – Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Кичик мутахассисларни тайёрлаш маркази катта йўриқчиси

**Юсупов Саиджон Нематович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командирининг ўринбосари

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 10 январь

## ЎЗБЕКИСТОНДА СТАРТАП-ЭКНОТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Тошкентда ахборот технологиялари ва стартап-экнотизимларини ривожлантириш мақсадида, шунингдек, юртимиздаги илк Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (Технопарк) ташкил этилганининг бир йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Технопарк ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз ва хорижлик соҳа мутахассислари, дастурчилар, пројект-менежерлар, Технопаркнинг илк битирувчилари иштирок этди.

Технопарк директори Фарход Ибрагимов мамлакатимиздаги биринчи Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркин ривожлантиришдан мақсад, унинг вазибалари ҳақида сўзлаб берди.

Директорнинг айтишича, Технопарк аллақачон маҳаллий стартап-экнотизимнинг бир қисмига айланиб улгурди ва юртимиздаги стартап-ҳаракатларни янада ривожлантириш учун кулай шароитлар яратиш имконини берди. Унинг резидентларига қатор солиқ ва божхона имтиёзлари, преференциялар тақдим этилди, улар учун зарур инфратузилма яратилди. Умуман олганда, парк тўртта бинодан иборат бўлади.

Уларда коворкинг-марказ, IT-академия, лаборатория ва IT-мехмонхона жойлашади. Шунингдек, вилоятларда ҳам филиаллар очилади. Бундан ташқари, 2019 йил сентябрь ойида Технопарк ҳузурида венчур жағмармаси ҳам тузилди. Унинг маблагларини истиқболли IT-академиялар ва марказларга сарфлаш режалаштирилмоқда.

“StarTech” анжумани тўртта сессиядан иборат бўлиб, уларда стартап-экнотизим, венчур молиялаштириш, IT-таълим, юқори технологияли маҳсулотларни экспорт қилишни ривожлантириш каби мавзулар муҳокама қилинди. Ўз бизнесини стартап орқали ривожлантирган маҳаллий ва хорижий тадбиркорлар ўз тақдимотларини намойиш этди.

Масалан, стартап-экнотизимларга бағишланган сессияда Россиянинг “Frostgate” IT-компанияси директори Алексей Плотников чиқиш қилди. У уяли алоқа телефонлари ёки компютер ўйинларини яратишга йўналтирилган кичик стартап қандай қилиб муваффақиятли бизнесга айланиши мумкинлиги ҳақида сўзлаб берди.

Компютер ўйинларини яратиш мураккаб, бироқ қизиқarli жараён. Шу боис бу соҳада айнан энг яхши дастурчилар меҳнат қилади, – деди А.Плотников. – Ёш мутахассис ўйинларни яратар экан, малакали мутахассисларнинг тажрибасини ўрганиши ва улардан фойдаланиши мумкин бўлган муҳитга тушиб қолади. Айни пайтда янги ўйинни яратиш бир пайтнинг ўзида уч-тўртта мамлакатда амалга оширилиши мумкин, бу дастурчилар учун масофадан туриб ишлашда янги имкониятлар эшигини очиб беради. Компютер ўйинларини яратиш соҳасидаги билим ва кўникмалар нафақат халқаро компанияга ишга жойлашиш, балки шахсий бизнесни йўлга қўйиш имконини ҳам беради.

Конференция доирасида, шунингдек, Технопарк битирувчиларининг стартаплари кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз учун ҳали янги бўлган IT-саноатга тааллуқли турли лойиҳалар намойиш этилди.

Компаниямиз катта маълумотлар ва машинавий ўқитиш бўйича янги техник ечимларни ишлаб чиқиш билан шуғулланади, – дейди “Zuscotech” компанияси директори Содик Шокиров. – Дунёдаги йирик компаниялар, жумладан, Швециянинг Ericsson компанияси бизнинг мижозимиз. Айни дамда ушбу ишлаб чиқарувчининг минглаб серверлари бўлиб, уларда маълумотлар терабайтлари қайта ишланади. Улар интеллектуал таҳлил учун бизнинг ишланмаларимиздан фойдаланади. Бу уларга бозор тенденциясини аниқлаш ва таҳлил қилиш имконини беради.

Шунингдек, фермер ҳўжаликлари учун маслаҳатлар, савдо ва фойдали маълумотлар тақдим этадиган “Agromart” веб-портали ҳам ўзининг янги функциялари ва имкониятларини намойиш этди.

– Бугунги кунда сайтимизда мингдан зиёд фермер, деҳқон ҳўжаликлари вакиллари ва томорка ер эгалари рўйхатдан ўтган, – деди мазкур веб-портал менежери Алия Норқулова. – Биз саккизта йўналиш, жумладан, савбатчилик, полизчилик, экспорт ва логистика, ветеринария, балиқчилик бўйича бепул маслаҳат хизматлари кўрсатамиз. Фойдаланувчиларимиз мутахассисларимиздан малакали тавсиялар олиш имконига эга. Порталимизда савдо майдончаси ҳам мавжуд бўлиб, унда рўйхатдан ўтган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиси ўз маҳсулотини савдога қўйиши ва харидор топиши мумкин. Айни пайтда бу ерда 500 турдаги маҳсулот сотилмоқда.

Конференция якунида тадбиркорлар учун учрашувлар ташкил этилди.

Роман БОНДАРЧУК



## 14 январь — Ватан ҳимоячилари кун

**Ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш, уларга таълим ва тарбия бериш нафақат оналарнинг балки, жамиятдаги барча зиёлилар билан бирга маҳалла, кўни-қўшнилари ҳам бирдек масъулдир. "Бир болага етти маҳалла ота-она" деб, бежизга айтилмаган. Ёшларга таълим ва тарбия беришда биринчи навбатда, узоқ ўтмиш тарихни, бой маданий ва маънавий меросимизни пухта ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.**

Божхона ходимлари том маънода — Ватан ҳимоячилари ҳисобланади. Улар мамлакатимиз сарҳадларини ҳимоя қилади. Халқимиз ва динимизга ёд нарсаларни четдан кириб келишининг олдини олишда ҳамда иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилишдек муҳим вазифаларни бажаради. Ватанпарварлик ва мардлик руҳида тарбияланган ёшлар Ватан ҳимоячилари бўлишлари мумкин. Юсак маънавий соҳиб ва маънавий жасорат тимсоли бўлиши учун ўсиб келаётган ёшларни доимо эзгулик ва маънавий юксаклик руҳида тарбиялаш талаб этилади.

Бугун мамлакатимизнинг дунё ҳам-жамияти иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий ва маърифий жиҳатдан юксалиб бораётган давлат сифатида тан олмақда. Бундай эътирофга халқимиз ўзининг тинчликсевар, мард, меҳнат-каш, бунёдкор, фидокор ва меҳроқибатли халқи билан эришмоқда. Жасорат — инсоннинг ўз Ватанини ҳимоя қилиши, асраб-авайлаши, шунингдек, ўқиш, иш ва хизматда фидоийлик кўрсатиши талаб этилади. Ўзбекистон заминидан халқимизнинг жасур ўғлонлари, маънавий жасорат соҳиблари етишиб чиққан. Она Ватан озодлиги йўлида жонини фидо қилган Широқ, Нажмиддин Кубро, Жалолдин Мангуберди, Махмуд Таробий, Амир Темур каби болаларимиз бўлган. Халқимиз II жаҳон уруши йилларида (1941-1945 йй.) мардондор жанг қилган ва ўз меҳнати билан

галабани таъминлашга катта ҳиссасини қўшган.

Ўзбекистон Республикаси божхона органлари ўтган даврлар мобайнида оғир ва жуда машаққатли йўллари босиб ўтди. Биз бугун "Ватан қасамедига содиқ бўлган, божхона ходимлари ҳақида сўз юритамиз. Божхона ходимлари:

— мамлакатнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига сидқидилдан риоя қилишга, божхона идоралари Интизомий низоми талаблари, бош-лиқларнинг буйруқлари, хизмат вазифаларини аниқ бажаришга қасамед қиламан".

Ўтган даврларда хизматни ўташ вақтида, мард ўғлонларимиз жонларидан кечиб, муқаддас Ватанни ҳимоя қилдилар. Божхона чегара-

## АҲДОДЛАРГА МУНОСИБ АВЛОД

— миллий хавфсизлигимиз ва халқимиз манфаатларини ҳимоя қилиш;

— четдан юртимизга кул-яроғ, ўқ-дори, гиёҳвандлик моддалар, психотроп воситалари ва сифатсиз махсулотларни кириб келишининг олдини олиш;

— ички бозорни ҳимоя қилиш каби хизмат вазифаларини бажариб, мардлик ва жасорат кўрсатишида.

Миллий божхона хизматида қабул қилинган ҳар бир йигит ва қиз ўз фаолиятини "Ватанга қасамед" қабул қилиш билан бошлайди. Яъни "Мен, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Ўзбекистон Республикаси божхона идораларида хизматни ўташга киришадим, ўз халқимга, Ватанимга, Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳамда божхона ишига садоқатим ҳақида тантанали қасамед қиламан.

ларини, умуман мамлакатимиз сарҳадларини ҳимоя қилиш ҳам шарафли, ҳам хатарлидир. Мамлакатимиз истиклолни қўлга киритган дастлабки йилларида кўни давлатлардаги мураккаб вазиятлар туфайли давлат чегарасини ҳимоя қилиш, божхона назоратини кучайтириш, гиёҳвандлик моддалар, кул-яроғ, ўқ-дорилар контрабандасига қарши кураш олиб бориш долзарб вазифалардан бири эди. Мард ва жасур божхона ходимларимиз Ватанга садоқатларини намойён этдилар. Ўзлари эса, ёш бўлишларига қарамастан, Ватан учун жондан кечдилар. Хуқуқбузарлар республикадан ёниги-мойлаш материаллари, рангли металллар, пахта ва бошқа товар-моддий бойликларни контрабанда йўли билан

олиб чиқиб кетишга уринган эдилар. Ашаддий жиноятчилар билан тенгсиз курашда божхона хизматининг фидоий ходимлари мардларча ҳалок бўдилар. Булар, Саидқабар Нажимов, Равшан Қодиров, Бурхон Қўчқоров, Ботир Давлатов, Қўлдошбой Рўзибаев, Тўхтамиш Холлиев, Сайдахмад Ташходжаев, Алишер Ҳаққулов, Ойбек Қоматов, Амангелди Қдиров, Шухрат Иноятловлар ана шундай фидоий божхона ходимлари эдилар. Шунингдек, Эркин Жўраев, Тўлқин Усманов, Музаффар Юсупов, Наташа Бадалова, Абдумажид Уватов, Раҳмонкул Мирзаев, Абдулазиз Намозов, Акбаржон Жўраев, Рустам Абдуқаимов, Акромжон Нишанов, Дилрабо Шадманкулова каби ҳамкасбларимиз бевақт ҳаёт билан видолашдилар. Мустақил Ўзбекистоннинг божхона органлари сафида шараф билан хизмат қилиб, мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлиги ва иқтисодий хавфсизлигини ҳимоя қилиши, ўз хизмат вазифаларини ўташ пайтида ҳаётдан қўз юмган божхона ходимларининг ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтириш ва номларини абадийлаштириш мақсадида 2014 йилда марҳум ҳамкасбларимизга бағишлаб Давлат божхона кўмитаси ҳудудида ёдгорлик ўрнатилди. Ватан ҳимоячилари, Хотира ва қадрлаш кўнлари божхона фахрийлари, шахсий таркиб, Божхона институти курсант ва тингловчилари ушбу ёдгорлик пойида саф тортиб, гулчамбарлар қўйишади, чуқур ҳурмат билдиришади. Ўз қасамедига содиқ божхона ходимларининг кўрсатган мардлиги ва жасорати халқимиз хотирасида мангу яшайди.

**Курбонкул КАРИМҚУЛОВ,**  
**ДБК Божхона институти кафедра**  
**муdiri, техника фанлари доктори,**  
**профессор**

## ҲАРБИЙЛАР БИЛАН БИР КҮН

**Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 21-сонли Меҳрибонлик уйида "Ҳарбийлар билан бир кун" деб номланган акция бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, Мудофаа вазирлиги Ҳарбий ансамбли, Юнусобод тумани маданияти бўлими ва Ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тарбияланувчиларга Миллий армиямиз, Ҳарбийлар ҳаётидаги қизиқарли воқеалар, улар фойдаланадиган кул-яроғлар ва либослар ҳақида маълумотлар берилди.

Ёшлар Ҳарбийларнинг қўл жанги ва фахрий қоровулнинг кўргазма-ли чиқишларини томоша қилди.

Акцияни ташкил этишдан асосий мақсад ёшлар қалбида Ҳарбий-ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий туйғуларни кучайтириш, Куролли Кучларимиз ҳақида тушуналари беришдир.

## ЁШЛАР КҮНГИДА ҲАРБИЙЛИККА ҲАВАС ОРТМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги академиясида Куролли Кучларимиз ташкил этилганнинг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кун муносабати билан "Ватанпарварлик — миллий юксалиш кафолати!" мавзусида очик эшиклар кун бўлиб ўтди.**



Ватанпарварлик ойлиги доирасида ташкил этилган тадбирда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тарбияланувчиларга Миллий армиямиз, Ҳарбийлар ҳаётидаги қизиқарли воқеалар, улар фойдаланадиган кул-яроғлар ва либослар ҳақида маълумотлар берилди.

Сўзга чиққанлар ватанпарварлик, Ҳарбий хизмат моҳияти ҳақида гапириб берди.

Спорт ўйинлари ва академия ҳаёти тўғрисида видеоларча намойиш этилди. Курсантларнинг махсус йўлакчада сардорлардан ўтиши, қўл жанги бўйича намунавий чиқишлари, жабранганларнинг кутқарув машқлари, ёнгин-кутқарув автомобилларидан фойда-

ланишлари катта қизиқиш уйғотди.

— Бугунги кунда мамлакатимизда Ҳарбийларга кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрлик туфайли ёшларнинг Ҳарбий соҳага бўлган қизиқиши ва интилиши янада бўлган бормоқда, — деди Сергели туманидаги 322-умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган Темурбеклар Ҳарбий спорт синфи ўқитувчиси Шухрат Холмирзаев.

— Бунинг ортидан ёш авлодда қатъий ҳаётий позиция, Ватанга садоқат туйғусини шакллантириш, бу борада ўрта мактабдан олий ўқув юртигача бўлган даврдаги узлуksиз Ҳарбий таълим ва ватанпарварлик тарбияси бўйича яхлит тизим яратилмоқда.

Очиқ эшиклар кун ёшларда катта таассурот қолдирди ва уларда Ҳарбийлик касбига бўлган қизиқиш янада ортди.

**Гулноза БОБОВА,**  
**ЎЗА мухбири**



## ҚУТҚАРУВЧИНИНГ ИШИ УНИНГ ВАТАН ОЛДИДАГИ ШАРАФЛИ БУРЧИДИР

**Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил топганининг 28 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кун муносабати билан юртимиз ФВВ академиясида анъанавий очик эшиклар кун ташкил этилди. Унда академия меҳмонлари кутқарувчилар фаолиятида қўлланиладиган техника ва ускуналар билан танишди.**

Ҳар йили ўтказиладиган ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси ФВВ ходимлари, кутқарувчилар ва ўт ўчирувчилар, шунингдек, пойтахтимизнинг Сергели туманидаги умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейларда тахсил олаётган 400 нафардан ортик ўқувчи иштирок этди.

Академия меҳмонлари учун фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этишда фойдаланиладиган энг замонавий техник воситалар ва ускуналар кўргазмаси ташкил этилди. Шу билан бирга тадбир қатнашчиларига кутқарувчиларнинг юксак даражадаги касбий ва жисмоний тайёргарлиги ҳам намойиш этилди.

Тадбирда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай пайтда тўғри ҳаракат қилиш бўйича давлат тизими кўп жиҳатдан ходимларнинг чуқур билими, жисмоний ва руҳий тайёргарлиги гига боғлиқ экани қайд этилди. Кўпинча инновацион авария-кутқарув ускуналари ҳам юксак малакали кутқарувчининг тажрибаси, эгалланган таълим ва кўникмалари, ички ҳиссиётларининг ўрнини бо-

солмайди. Шу боис, барча кутқарув отрядларини қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда, улар замонавий махсус автомобиль техникаси, авария-кутқарув ускуналари ва мосламалари билан таъминланмоқда.

Мамлакатимизда кутқарувчиларни тайёрлашнинг самарали тизими мавжуд бўлиб, аксарият машгулотлар реал ҳаётдаги имкон қадар яқин шароитларда олиб борилади. Бу муҳим аҳамиятга эга. Чунки, инсоннинг кескин ўзгаришлар ҳолатида ўзини қандай тутишини олдиндан башират қилиш анча мураккаб. Салбий омилларга қарши вазмин ва тўғри ҳаракат қилишнинг ўрганиш мақсадида ФВВ ходимлари махсус тренингларидан ўтади. Тайёргарлик жараёнида улар ўт балоси олдидаги қўрқувни енгишдан тортиб, бошқа ҳатти-ҳаракатларнинг автоматлашган тарзда бажаришини ўрганади, уларнинг кўпчилиги ҳатто инсоннинг табиий сезгиларига қарши боради.

Масалан, ўтган йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси ФВВ мутахассислари зилзила жараёни-

да шартли жабранганларни топиш ва кутқариш бўйича қўшма машгулотларда иштирок этди. Бу машгулотлар Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар идоралари раҳбарларининг ўиничи мажлиси доирасида Нью-Дехли (Ҳиндистон) шаҳрида ташкил этилган бўлиб, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича сценарийларнинг машқ қилишга йўналтирилган эди.

Машгулотларда мамлакатимиз вакилларидан ташқари, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Хитой, Ҳиндистон ва Покистондан ҳам кутқарувчилар иштирок этди. Бу фавқулодда вазиятларда халқор ёрданми қабул қилиш, мувофиқлаштириш ва ундан фойдаланиш бўйича бошқарув механизмларини ишлаб чиқиш имконини берди.

Тадбир якунида касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш қоидаларига оид билимларини текшириш мақсадида викторина ташкил этилди.

(ЎЗА)

## ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ҲАҚИДА АЙТИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси матбуот анжумани ўтказди.**

"Ўзбекистонда таълим сифатини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги режалар" мавзусидаги анжуманда таълим сифатини юқори босқичга кўтариш, ўқув жараёнида самарадорлиги ҳолисона баҳолашни назорат қилиш борасидаги натижалар таҳлил қилинди.

2019 йили Ўзбекистонда илк мартаба умумтаълим мактаблари рейтингини эълон қилинди (reyting.tdi.uz). Бунда Халқ таълими вазирлиги тавсия қилган 956 мактаб фаолияти 4 индикатор асосида баҳоланди. Худудлар рейтингида энг юқори ўринларни Наманган, Хоразм ва Навоий вилоятлари эгаллаган бўлса, куйи ўринларда Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари қайд этилди. Жорий йилда 20 фоиз, яъни 1345 мактаб рейтингга жалб қилинмоқда. Ҳозирги вақтда мактабларда назорат ишлари ва ижтимоий сўровнома ўтказиш жараёни давом этапти.

Олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш механизми ишлаб чиқилди. 2018 йилда илк мартаба ОТМ рейтингини эълон қилингандан сўнг аксарият таълим муассасалари мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга ўтди ва ижобий ўзгаришлар кузатишди. Жумладан, фан доктори ёки профессор унвонига эга ўқитувчилар улуши 2019 йилда 23,6 фоизга, фан номзоди илмий даражаси ёки доцент унвонига эга ўқитувчилар улуши эса 19 фоизга ошди. Дунёнинг нуфузли 1000 талиғига кирувчи ОТМлардан илмий даража олган профессор-ўқитувчилар сони 2018 йилда 128 нафарни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда 301 нафарга етди.

Анжуманда педагог кадрлар аттестациясининг янги тартиби хусусида ҳам маълумот берилди.

Жумладан, мактаб ўқитувчиларига навбатдан ташқари аттестацияда иштирок этиш имкони берилди. Аввалги тартиб бўйича педагог қанчалик малакали, ўз билими ва салоҳиятига ишонса-да, ҳар беш йилда аттестацияга жалб этилгани сабабли мутахассисликдан олий тоифали ўқитувчиликка қадар 13 йил вақт кутиш лозим эди. Янги тартибга кўра, эндиликда ўз билими ва тажрибасига ишонган педагог беш йиллик муддатни кутмасдан аризасига биноан навбатдан ташқари аттестацияда иштирок этиши мумкин.

2019 йилда мuddатидан илгари аттестациядан ўтишни сўраб 35 минг 208 педагог ариза билан мурожаат қилган. Талабгорларнинг 3036 нафари олий малака тоифасига, 13 минг 151 нафари биринчи малака тоифасига эга бўлган. Таълим ташкилотларини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби ҳам илгор хорижий тажрибаларни ўрганган ҳолда такомиллаштирилди. Муассасаларга ўз фаолиятини баҳолаш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш имконияти берилди. Янги тартиблар асосида 2020-2025 йилларда 8187, шу жумладан, 2020 йилда 1911 мактабга таълим муассасаси янги тартибда аттестациядан ўтказилиши режалаштирилган.

2019 йил сўнггида 357 ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ва мактаб-интернати ўқувчиларининг билим даражаси ўрганилганда уларнинг билим ва ўзлаштириш даражаси белгиланган давлат таълим стандартларига мос келмаслиги аниқланди. Назорат ишида қатнашган 12 минг 790 ўқувчининг 7 минг 387 нафари қониқарсиз баҳоланган.

Бугун кўпчилик учун хорижий давлатларда олинган дипломларни тан олиш бўйича жорий этилган янги тартиб ҳам қизиқ.


Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси таҳлилларига кўра, сўнгги уч йилда хорижий олий таълим квалификацияларини тан олиш ва нострификация қилишга оид аризалар 5,3 марта ўсди. 2019 йилда хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш бўйича жами 12 минг 867 мурожаат тушган бўлиб, шундан 3327 таси қаноатлантирилган. Жумладан, 997 диплом махсус синовларсиз тан олинган ва нострификацияланган.

Халқор тажрибадан келиб чиқиб, фуқароларнинг талаб-истакларини инобатга олган ҳолда янги тартиблар ишлаб чиқилди.

Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали лицензия қабул қилиш учун мурожаат қилувчининг аризасини электрон қабул қилиш тизими йўлга қўйилди.

Анжуманда, шунингдек, профессионал таълим тизими, рейтингларда эътиборли жиҳатлар, педагоглар билими, салоҳияти, қўшма дастурларнинг аҳамияти ҳақидаги саволларга жавоб берилди.

**Барно МЕЛИКОВА**



**ЎЗГИДРОМЕТ**  
**ХАБАР ҚИЛАДИ**

Тошкент шаҳрида 15 январь кун хаво ўзариб туради, ёнгин-гарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши эҳтимоли бор. Шарқдан секундица 3-8 метр тезликда шамол эса-

ди. Ҳарорат кечаси — 3-5 даража совуқ, кундузи — 1-3 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 15 январда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларининг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифосланиш даражаси паст бўлади.



**Спорт янгиликлари**



## СПОРТНИ ОММАЛАШТИРИШДА РОССИЯ, ХИТОЙ ВА АҚШ ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК

**Бугунги кунда спортчиларимизнинг Осиё ва жаҳон чемпионатлари, Олимпия ва Осиё ўйинларида қўлга киритаётган муваффақиятларини кўпчилиқ ҳавас билан эътироф этмоқда.**

Бунинг замирида, аввало, мамлакатимизда спортни ривожлантириш, тизимнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ёшлар орасида оммавийлигини ошириш борасида давлатимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор ҳамда ишонч зоҳир.

Айни пайтда спорт федерациялари ва ассоциациялари томонидан спортчилар маҳоратини ошириб бориш, улар эришган галабалар узвийлигини таъминлаш ва рақибларини ўрганиб бориш учун халқаро ўқув-машғулот йиғинлари ташкил этилмоқда.

Барчамизга маълумки, Олимпия ўйинлари туркумига киритилган теннис мусобақалари турли мамлакатларда ўтиши, спорт мавсумининг узунлиги билан ажралиб туради. Шу сабабли ҳам теннисчилар мавсум давомида эллиқка яқин мамлакатга боради ва ўз тажрибасини ошириб, улкан муваффақиятларга эришади.

Хорижий мамлакатлар аҳолисининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши, турмуш тарзи, қандай спорт турларига қизиқиши ва мамлакатда ривожланган спорт турлари ҳақида теннис бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, бир неча халқаро футбол голиби Жўрабек КАРИМОВ ўза муҳбирга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Ҳар йили хориж мамлакатларидаги мусобақа ва ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этамиз. Вақтимиз бўлганда мезбон юрт тарихи, спортдаги тажрибалари, қўлга киритилган муваффақиятлари сири билан қизиқамиз.

Туркияда ҳам спорт яхши ривожланиш босқичида.

Мамлакатда бугунги кунда спорт курашлари, дзюдо, тазквондо, қишки спорт, теннис, футбол, баскетбол, волейбол, гандбол, енгил атлетика сингари спорт турлари оммалашган. Туркия-

лик спортчилар Европа ва жаҳон чемпионатлари, Олимпия ўйинларида доимо кучли рақобатчи ҳисобланади.

Туркия аҳолиси спортни жуда яхши кўради ва спортчиларни ҳурмат қилади. Мамлакатда энг машҳур спорт тури — футбол. Бошқа мусобақалар футбол бўйича вақтига тўри келиб қолмайди. Бу юрда футбол мусобақасига бефарқ бўлган одамни учратиш қийин. Муҳлислар миллий терма жамоа ва клубларнинг ҳеч бир ўйинини ўтказиб юбормайди. Айниқса, Истанбул шаҳри шарафини химоя қилаётган “Галатасарой” жамоаси иштирокидаги мусобақаларда футбол майдонини муҳлислар билан тўлиб-тошади.

Туркия ёшларининг энг беивми спорт турларидан яна бири — теннис. Мамлакатда теннис билан шуғулланиш учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд. Ҳар йили ўртача йигирмага яқин мусобақа ўтказилади.

## МУРОСА ЙЎЛИНИ ТАНЛАШДИ

Таиландда футбол бўйича 23 ёшгача бўлган чарм тўп усталари ўртасида уюштирилган Осиё чемпионати гуруҳ босқичининг 1-турда Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Эрон олимпия терма жамоаси билан куч синашди.

Жорий йил ёзда Токио мезбонлик қилаётган ёзи Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи ушбу қўлга киритилган “С” гуруҳидан ўрин эгаллаган Ўзбекистон олимпия терма жамоасига кейинги босқичга чиқиш осон эмаслиги аввалдан аён эди. Чунки ушбу гуруҳда Ўзбекистон ва Эрондан ташқари Жанубий Корея ва Хитой олимпиячилари ҳам голиблиққа даъвогарлик қилишарди.

Хуллас Ўзбекистон ва Эрон учрашуви тенг курашлар остида кечди. Аммо айрим вазиятларда форслар устунлик қилган бўлсалар, бошқа ҳолларда футболчиларимиз юзага келган қулай имкониятлардан самара чиқара олишмади. Ҳатто 1:1 ҳисобида якунига етди. Дарвозаларга голларни Ўзбекистондан — И.Қўбилов (пенальти), Эрондан — Ризо Деҳқоний аниқ нишонга олишди.

Ушбу гуруҳдаги Хитой — Жанубий Корея баҳсида 0:1 ҳисобида зафар қучган корейслар 1-турдан сўнг 3 очко билан пешқадам бўлиб турибди. Ҳамюртларимиз ва эронликлар бир хил очко жамғариб 2, 3-ўринларда боришмоқда.

Осиё чемпионатининг ўтган беллашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: Ироқ — Австрия — 1:1, Таиланд — Баҳрайн — 5:0, Қатар — Сурия — 2:2, Япония — Саудия Арабистони — 1:2.

## СЕЛЕКЦИЯ ИШЛАРИ БОШЛАНИБ КЕТДИ

Жорий йилги мавсумда маҳаллий биринчилик ҳамда қўлга киритилган футбол мусобақаларида юртимиз шарафини амалдаги чемпион ва Ўзбекистон кубоги соҳиби “Пахтакор” билан бирга кўмуш ҳамда бронза медаллари совриндорлари — “Локомотив” ва “Бунёдкор” жамоалари химоя қилишди.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, “Пахтакор” ОЧЛ мусобақасини тўғридан-тўғри гуруҳ босқичидан бошлади, “Локомотив” ва “Бунёдкор” саралаш босқичида омадларини синаб кўришди. Шу боис ҳам ушбу клублар таркибларини маҳоратли футболчилар билан тўлдириб ҳаракат қилишлари табиий. Маълум бўлишича жорий йилда “Сурхон” вакили Аббор Исмоилов, “Насаф” аъзоси Умар Эшмуродов “Пахтакор” шарафини химоя қилишди.

Шунингдек, БААнинг Абу-Даби шаҳрида уюштирилган ўқув-машғулот йиғинида қатнашган “Локомотив”да янги мураббий фаолият бошлади. Тажрибали мутахассис Андрей Фёдоровнинг темирўй-ўйларига бош мураббийлик қилаётганидан муҳлисларнинг хабари бор албатта. Аммо, жамоанинг жисмоний тайёргарлиги эндиликда қозғонлик мураббий Александр Шацких жавоб беради. “Локомотив” селекционерларининг жонбозлиги туфайли шу кунгача “Сурхон”дан Абдуллаев Исупов ҳамда черногориялик Славко Даниянович, россиялик Кирилл Погрибнян “Локомотив” клуби билан шартнома имзолашга улгуришди.

Ўтган йилги суперлига беллашувларида асосан ёшлардан таркиб топган Вадим Абрамов бош мураббийлигида бронза медалларига сазовор бўлиб, муҳлисларини хайратга солган “Бунёдкор” шу кунгача ўз сафини Фуломхайдар Фуломов, Мурод Холмухаммедов, Баҳодир Пардаев, Сардор Абдураимов, Ҳумоюн Муртазоев, тожикистонлик Даврон Эргашев ҳисобига анча кучайтириб олди. Ўтган йили жамоани галабалар сари дадил етаклаган моҳир ярим ҳимоячи, миллий терма жамоамизнинг собиқ ўйинчиси Лутфулла Тўраев жорий йилда ҳам “Калдиргочлар” шарафини химоя қилади. Дарвоқе, “Бунёдкор” машғулотларида қатнашаётган Дилшод Раҳматулаев жамоада қоладими ёки йўқми, бунинг вақти кўрсатади.

**Ақбар ЙЎЛДОШЕВ**

## Шу кунларда Қозғонистон Республикаси Олмаота шаҳрида бўлиб ўтаётган математика, физика ва информатика фанлари бўйича 16-халқаро Жаутиков олимпиадасида (IZHO) Ўзбекистон жамоаси иштирок этмоқда.

## ЁШЛАРИМИЗ ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДАДА ҚАТНАШМОҚДА

Жаҳон миқёсида юқори нуфузга эга бўлган мазкур олимпиада 2005 йилдан буён Олмаота шаҳридаги Физика-математика миллий мактабиде ўтказилади. IZHO математика, физика ва информатика соҳасидаги улкан халқаро лойиҳа бўлиб, у турли мамлакатларнинг ихтисослашган мактаб жамоаларини жамлайди. Ушбу олимпиада энг яхши STEM мактабларини аниқлаш учун имконият яратяди.

Ўзбекистон терма жамоаси 2006 йилдан мазкур интеллектуал мусобақада иштирок этиб келади. Бу давр ичида ўқувчиларимиз 50 дан ортик медални қўлга киритди.

Ўтган йилги олимпиадада дунёнинг 18 давлатидан иштирок этган 540 ўқувчи орасидан Ўзбекистонлик ёшлар 1 олтин, 3 кўмуш, 7 бронза, жами 11 медални қўлга киритгани мамлакатимизда иқтидорли ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва эътирофнинг яққол ифодаси бўлди.

**Жавоҳир ТОШХҲАЕВ**

## ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАРИМИЗ МАВСҮМНИ БОШЛАДИ

**Чирчиқ шаҳрида 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан енгил атлетика бўйича мамлакат чемпионати бўлиб ўтди.**

Қизлар ўртасида босқон ва диск улоқтириш бўйича Ригина Адашбоева 2 олтин медални қўлга киритди.

Узунликка сакраш баҳсида Дарья ва Андрей Резниченколар чемпионга айланди. Баландликка сакрашда Тимур Раҳматулаев ва Ольга Шлентова голиб бўлди.

Турли масофаларга югуришда Жолдидин Ҳамроқулов, Анвар Саримсоқов,

Ғолиб Тоҳиржонова, Азим Абдуллаев, Отабек Тошқувватов, Дурдона Ҳамидуллаева, Виктория Левина, Ирода Йўлдошева, Камолла Аблаева, Маржона Баратов шохсулга кўтарилди.

Шунингдек, 60 метр масофага тўсиқлар оша югуришда Эргаш Нормуродов ва Мехрангиз Эрнарзорова тенг келадигани топилмади.

(ЎЗА)

## Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан 26 январда эндиликда ҳар йили шу сана Ўзбекистон божхоначилари кунини сифатида кенг нишонланадиган бўлди.

## ФИДОЙИ КАСБ ЭГАЛАРИ

Божхона хизмати ходими ким? Бу касб қандай касб, давлат учун қандай аҳамиятга эга?

Божхона ходими давлат хизматчилиги ҳисобланган, унинг вазифалари божхона чегараси орқали товарларни ва транспорт воситаларини олиб ўтиш, божхона тўловларини ундириш, божхона ҳужжатларини расмийлаштириш, божхона назоратини амалга ошириш, шунингдек, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолатларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш каби юмушлар қиради.

Бугунги кунда бутун дунё ахли халқаро терроризмга қарши курашаётган бир пайтда, божхона ходимларининг иши ўта долзарб касбга айланди. Чунки, қурол, гиёҳванд воситалар, ўқ-дорилар ва бошқа қонун билан тақиқланган нарсаларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилишининг олдини олишдек ишда ҳар бир божхона ходими юксак масъулиятлар юклатилган.

Божхона ходимларига мамлакат божхона чегараларида туриб унинг иқтисодий манфаатларини химоя қилишдек вазифа юклатилгани бежиз эмас. Бу ишда улар ҳам билимдонлик ҳамда теъорик ва шу билан бирга уларга хато қилмаслик масъулияти ҳам юклатилган. Давлат божхона хизмати органлари ходимлари ташқи иқтисодий фаолият катташчиларига ҳам экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда фаол кўмакчи ролини ҳам бажариб келишмоқда.

Бу жараёнда теъорик ва самарадорлиқни таъминлаш мақсадида божхона назорати ва расмийлаштирув жараёнларига янги инновацион технологиялари мунтазам жорий этилаётганиги ходимларнинг янада чуқур билимга ва маҳоратга эга бўлишига ундамоқда.

Жумладан, Давлат божхона қўмитаси ва АҚШ Энергетика вазирлиги ўртасида ядро ва бошқа радиоактив материалларнинг ноқонуний айланишининг олдини олиш бўйича имзоланган Меморандум доирасида Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари учун 4 дона мобил радиация назорати қурilmалари ажратилгани ишмизни анча енгиллаштирмоқда.

Ушбу қурilmалар чегара божхона постлари орқали ҳаракатланаётган жисмоний шахслар ёки автотранспорт воситаларида ноқонуний радиация моддаларининг борлигини аниқлашда кенг қўлланилмоқда.

Шунингдек, мазкур қурilmаларга қўшимча равишда радиацион пейджер ва радиактив моддаларни анализ қилувчи воситалар билан ҳам таъминлангани радиактив моддаларни таркиби ва фон даражасини аниқлашда жуда қўл келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинолоғия маркази фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 18 декабрдаги қарори ижроси ҳаракати билан Миллий кинолоғия маркази учун махсус жиҳозланган 5 дона “Дамас” автотранспорт воситаси ажратилди. Ушбу транспорт воситаси бир пайтнинг ўзида 4 нафар кинолоғия хизматитлари билан биргаликда ташишга мўлжалланган. Хизматитлари учун машинада махсус вольтерлар ўрнатилган.

Божхона ходимларининг меҳнати давлатимиз томонидан ҳаммиса мўносиб тақдирланиб келинади.

Жумладан, Сурхондарё вилояти Давлат божхона бошкармаси “Болдир” темир йўл чегара божхона пости бошлиғи Муродали Чориев “Содик хизматлари учун” медали билан, Давлат божхона қўмитаси Божхона тўловлари бошкармаси бошлиғи ўринбосари Фаррух Файзуллаев “Шўҳрат” медали билан тақдирланди.

Божхоначиларнинг зийраклиги туфайли Тошкент вилояти божхона бошкармаси “Фишқўприк” чегара божхона постида қўшни давлатга чиқиб кетаётган аёл 2 ёшли неварасининг йўриғига — тағлиги орасига тилладан ишланган 6 дона занжир, 4 дона балуақув ва 1 дона узукни яширган ҳолда ноқонуний ҳаракати амалга ошмади.

Божхона ходимларининг оғзаки сўровида ва йўловчи божхона декларациясида маълум қилинмаган мазкур заргарлик буюмларининг умумий оғирлиги 1 кг. 115 гр.ни, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра жами қиймати эса 334 млн. 500 миң сўмини ташкил қилиши маълум бўлди.

Қурол-яроғ ва ўқ-дорилар контрабандасига қарши божхона органлари томонидан тизимли кураш олиб боришмоқда.

Жумладан, Тошкент халқаро аэропортидан хорижга учиб кетиш чоғида “Яшил” йўлак орқали ҳаракатланган Б.Т. исмили шахс белгиланган тартибда божхона назоратидан ўтказилганда унинг юқори орасида божхона назоратига тақдим қилинган ва жисмоний шахслар томонидан олиб чиқилиши тақиқланган 1 дона 5,45 мм. калибрли патрон борлиги аниқланди.

Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошкармасининг “Даут-ата” чегара божхона постида ўзининг қўшини давлатдан қўшиб қўйган фуқаро Х.А бошқарувидagi “Cobalt” русумли автомашина белгиланган тартибда кўздан кеңирилганда автомобилларнинг орқа ўриндиғи тағига 1 дона газли пневматик тўппонча хуфийна тарзда яшириб қўйилганлиги фош бўлди.

Навоий вилояти божхона бошкармаси ходимлари томонидан олиб боришган профилактик чора-тадбирлар давомида Навоий шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро А.Ф. эса уйда сақланган ов қуролни ўз хоҳиши билан божхона органларига тақдим қилди.

Хозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан текширув ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Бу касб байрами республикамизнинг барча божхоначиларини янада яхшироқ ишлашга, зийрак бўлишига ундайди.

**Джамалиддин МУСАЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси ДБҚ Божхона институтини Махсус-ҳуқуқий Фанлар кафедраси катта ўқитувчиси**

## Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар

Тошкент шаҳри, Учтепа туманидаги 199-сонли имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаби томонидан 1991 йилда Бабкина Елена Михайловна номига берилган № 006929 рақамли шаходатномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Чилонзор тиббиёт коллежи (аввалги Электроника тиббиёт техникуми) томонидан 1994 йилда Мирсаидова Дурдона Атахомнова номига берилган № 003540 рақамли 10072-рўйхат рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Сергели тиббиёт коллежи маъмурияти ишлаб чиқариш ишлари бўйича директор ўринбосари Эгамбердиева Хонзода Тошпулатовнага падари бузруквор

**Тошпулат Эгамбердиевич ЭГАМБЕРДИЕВИЧ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Учтепа миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи томонидан 2017 йилда Ўрозбоев Яхшибек Файрат ўғли номига берилган К № 4884894 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Яшнобод тумани, 2-Тузел мавзеси, 22"В"-уй, 46 хонадон эгаси Афонин Олег Григорьевич номига берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

“Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Юнусобод тумани, Марказ-ЦБ, 92-уй, 2-хонадон манзилда жойлашган Мамедова Флоринца Маруфовнага 26.03.2014 йилда бино-иншоотга берилган ТС 0004486-сонли гувоҳнома ва 15.02.2017 йилда 7-64/2007 реестр рақами билан рўйхатдан 10:07:01:01:02:0134 рақамли но турар жойнинг кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**ТУЗАТИШ**

“TASHKENT REALTOR SERVICE” МЧЖ томонидан “Тошкент оқшоми” газетасининг 08.12.2019 йилдаги №192-сониде берилган эълон, яъни “Тошкент трамвайи” УК балансида бўлган кўчмас мулк объектларининг босқичма-босқич олиб бориши шаклида ўтказилган **очиқ аукцион савдолари** “Тошкент трамвайи” УКнинг 11.01.2020 йилдаги 4-сонли мурожаат хатига асосан **бекор қилинганлигини** маълум қилади.

Қўшимча маълумотларни [www.realtor.uz](http://www.realtor.uz) веб-сайти ёки (78) 147-40-00 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

**Тошкент Оқшоми**

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: [gazeta-vto@gmail.uz](mailto:gazeta-vto@gmail.uz)

Буюртма Г- 146

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълонлар: (0-371) 233-28-95.  
Факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқиди  
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошкармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.  
1104 нускада босилди.  
Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамутига» — 233-74-05 телефонига муружаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси-басмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир **Ақмал АҚРОМОВ**

Босишга топширилди: 16.15